



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 22 сентябрь № 199 (3474)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР** қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан: муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — резервга; муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — захирага бўшатилсин.

2. 1977-1986 йилларда тузилган, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2004 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервиге олинсин.

3. Қорқалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда, Қуролли Кучларнинг чақирилувчилар билан сифатли тўлдирлишини таъминлаш мақсадида, жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини, шунингдек Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқароларни қўшниларга тантанали кузатиб кўйишни ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Ф.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ф.Ғуломов) билан биргаликда чақирув ушбу ҳақдаги зарур тегиб-тегиб асос-анжомлари ва буюмлари билан таъминлаб чақирилувчиларнинг сифатли, хар томонлама ва ҳолисона тегиб кўриқдан ўтказилишини, чақирув комиссияларининг ишига турли ихтисосликка эга бўлган юқори малакали врачлар жалб этилишини, муқобил тегиб комиссияларнинг самарали ишлашини ташкил этсин.

5. Ўзбекистон Республи-

билан биргаликда ташкилотлар ва корхоналар, шунинг-сида ядро қуроллари қачирувчи резервиге ва муқобил хизматга олинган фуқаролар томонидан молиявий мажбуриятлар ўз вақтида бажарилиши юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (О.О.Обидов) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда Қуролли Кучлардан бўшатилган фуқароларнинг уларнинг эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш, чора-тадбирларини кўрсин.

Белгилаб кўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар давлат муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарига ишга қабул қилишда мардлик ва ватанпарварлик тарбиясининг армия мактабини ўтаган, ҳарбий тайёргарлик кўрган ва ҳаётий тажриба орттирган, мамлакатнинг энг фаол ва тайёргарлик кўрган кадрлар захираси ҳисобланган шахслар сифатида устунлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

8. "Ўзтеледио" компанияси (А.К.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов) ёшларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервда хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия қилинсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2004 йил 21 сентябрь.



—Доноҳон Назарова бир неча йил олдин Фурқат тумани ҳудудидаги Қолғандар мавзесидан 35 гектар ер олиб, фермер бўлди. Шундан 4 гектарига галла, 31 гектарига гўза парваришлади. Бу йил галладан 50 центнердан ҳосил олди. Ҳақиқатан ҳам парваришлари натижасида қўшниларига ҳам таълим берди. Ҳақиқатан ҳам парваришлари натижасида қўшниларига ҳам таълим берди. Ҳақиқатан ҳам парваришлари натижасида қўшниларига ҳам таълим берди.

СУРАТДА: Доноҳон Назарова. Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ҳайъат йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ҳамда унинг тизимидagi корхона ва ташкилотларда монополияга қарши қонунчилик талабларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Соҳада монополиядан чиқариш, ҳарajatларни пасайтириш, тарифларни асослаш, асосий фонд ва технологияларни янгилаш борасида қабул қилинган "Рақобат сийсатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режа-дастури" ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Аммо ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Темир йўлларида юк ва йўловчи ташиш ҳамда бошқа сервис турлари бўйича сифатли хизмат кўрсатиш ва шу орқали юқори натижаларга эришиши муҳим ўрин тутади. Айни пайтда энергиядан оқилона фойдаланиш ҳисобига иш самарадорлигини ва асосий фонднинг янгилаш лозими. Бозор иқтисодиёти талабларидан, шунингдек, амалдаги монополияга қарши кураш, табиий монополиялар ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда ишни янгидан ташкил этиш долзарб вазифалар сирасига қиради.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. (Ў.А.)

Ядро қуролининг тарқалмаслигига ҳисса

9 сентябрь кунини Ўзбекистондан Россияга фойдаланилмаган ядро ёқилгиси жўнатилди. У келгусида ядро қуроллари ишлаб чиқаришда яроқсиз ҳисобланмиш паст бойитилган даражага келтириш мақсадида қайта ишланади.

Ушбу ёқилгини жўнатиш Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) ва АҚШ энергетика вазирлиги кўмағида бажарилди.

Ядро материаллари қайта ишлаш учун Россиянинг атом энергияси Федераль агентлигининг илмий-тадқиқот институтига етказилди. Бу агентлик ядро материалларини ҳимоя этиш, назорат ва ҳисоб-китоб қилиш Америка-Россия Дастури доирасида хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни амалга оширишда АҚШ билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида фойдаланилмаган ядро ёқилгисини Россияга қайтарган дастлабки давлат бўлди. Бундан ташқари Ўзбекистон ҳукумати республика Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтининг илмий-тадқиқот ядро реакторини паст бойитилган уранга ўтказиш бўйича қарор қабул қилди. Бу ўз навбатида ядро қуролли тарқатмаслик бўйича халқаро ҳаракатларга кўмаклашганликдан далолатдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов номига АҚШ Президенти маъмуриятдан куйидаги мактуб келди:

Мухтарам Президент Каримов, Сизни ва Ўзбекистон ҳукуматини Президент Жорж Буш номидан таҳдидларни камайтириш Глобал ташаббуси доирасида юқори бойитилган урани Россия Федерациясига қайтариш борасидаги лойиҳани амалга ошириш бўйича мислсиз ҳиссангиз муносабат билан табриклашаман.

Ўзбекистоннинг мазкур сай-ҳаракатларидаги ҳамкорлиги бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилади, чунки бутун жаҳонда тадқиқот реакторларида юқори даражада бойитилган урандан фойдаланиш амалиётини тугатишга интиломдамиз.

Сизнинг сай-ҳаракатларингиз юқори даражада бойитилган урани хавфсиз ва ишончли сақлашни, шунингдек ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш учун қайта ишланишни таъминлашга кўмаклашди, бу эса нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё ҳамда бутун жаҳон хавфсизлигининг мустаҳкамлашишига хизмат қилади.

Шунингдек, мен Сизни ишлатилган ёқилгини Россияга қайтариш борасидаги илк экспериментал лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистоннинг етакчи роли билан ҳам табриклашни истардим. Сизнинг бу қарорингиз бошқаларга ҳам шу каби сай-ҳаракатларини амалга оширишга ундайди.

Яна бир бор Сизнинг хавфсиз ҳамда муваффақиятли тадбирини амалга оширишдаги мислсиз сай-ҳаракатларингизни олқишлайман. Яқин келажакда ишлатилган ёқилгини жўнатиш борасида Сиз билан биргаликда иш олиб боришни сабрсизлик билан кутиб қоламиз. Эҳтиром билан

КОНДОЛИЗА РАЙС, АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси.

"Жаҳон" АА.

Шарқ гўзаллари Тошкентда тўпланади

Ўзбекистоннинг спорт ривожланган мамлакат сифатидаги шухрати тобора мустаҳкамланмоқда. Афсонада бўлиб ўтган XXVIII ёғи Олимпия ўйинларидаги қўлга киритилган иккита олтин, битта кумуш ва иккита бронза медаллари шундан далолат беради. Олимпиядада қатнашган 202 мамлакат орасида умумий ҳисобда мамлакатимиз 34-ўринни эгаллади. Бундан ташқари, ўзбекистонлик спортчилар ўртасида жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари, бошқа халқаро турнирларнинг ғолиблири жуда кўп.

Шу сабабли нафақат Ўзбекистон, балки Осиёда биринчи марта бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубогининг босқичи — "Шарқ гўзали — 2004" турнирини Тошкентда ўтказишга қарор қилинган бежиз эмас. Мусобақа 28 сентябрдан 2 октябрга қадар "Ўзбекистон" спорт мажмуи — пойтахтимиининг энг яхши спорт майдонларидан бирида бўлиб ўтади. Турнирни Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Республика хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Бадий гимнастика федерацияси таш-

Тошкентда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда Қорқалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан вакиллар ҳамда вазирликлар ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Конференцияда таъкидландики, ҳусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бизнес-муҳитни такомиллаштириш, республика тадбиркорларининг ҳоржий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, тайёр рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун янги корхоналарни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни техник қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун республикага чет эл сармоясини кенг жалб этиш мақсадида 2004 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримовнинг "Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Мамлакат Президентининг Фармонига кўра, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари негизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташкил этилди. У ўзига юқлатилган вазифаларни муваффақиятли бажариши учун Қорқалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бошқармаларини ҳамда зарур ҳолларда туман ва шаҳарларда филиалларини ташкил этишга. Бундан ташқари, у чет давлатларда ваколатхоналарини очиб хуқуқига эга.

Палатанинг конференцияда қабул қилинган Низомида ҳоржий мамлакатларда тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий низоларни ҳал этишнинг самарали механизми ҳисобланувчи ҳакамлар судлари ва халқаро тижорат арбитражи ташкил этиш ҳуқуқи ўз ифодасини топган.

Фармонга мувофиқ, мазкур Низомда Савдо-саноат палатасига юқлатилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун палатанинг зарур ҳуқуқ ва ваколатлари белгилаб қўйилган.

Конференцияда палатанинг Низоми тасдиқланди, раҳбар органлари сайланди. Алишер Шайхов Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг раиси этиб сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов иштирок этди.

В. НИКОЛАЕВ, Ж. РАУПОВ, ҲА МУХБИРИ.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ВА САНЪАТИМИЗ ТАРҒИБОТЧИСИ

Ҳар бир миллат, мамлакат қиёфасини намойён этишда маданият ва санъатнинг аҳамияти беқиёс. Мухаммал маданият ва санъатсиз, миллий қадриятларни юқори босқичга кўтармай янги жаҳонга, янги иқтисодий-тарихий муносабатларни ва дунёқарашни шакллантириш мумкин. Шу босқич Президентини Исрол Каримов раҳнамолигида мустақиллигининг илк йиллариданок иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлган каби маданият ва санъатни ривожлантиришга давлат сийсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда.

Маънавий қадриятларимизнинг қайта кўз очилиши, уларни асраб-авайлаш, мукаддас динимиз, урф-одатларимизни, тарихий, илмий, маданий меросимизни тиклаш ҳалқимиз, айниқса ёш авлод маънавияти, эркин, озод шахс маърифатини юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат этаётди. Бу борада муҳим фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил таътиб этилиши давлатимиз томонидан маданият ва санъат ривожини йўлга қўйишга алоқадор бўлиб келди.

Шу йил бошида бир гуруҳ ўзбекистонлик ва россиялик зиёлилар Москва шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасини ташкил этгандилар. Жамғарма икки мамлакат олим ва зиёлилари, давлат ва жамоат арбоблари, кенг жамоатчиликни бирлаштириб, миллий илм-фанимиз, санъат, таълим ва

маънавий меросимизни қайта тиклашга, қўллаб-қувватлашга, шу соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоқадор эътибор қаратишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Унинг таъсисчилари ва ҳомийлик кенгаши аъзолари машҳур ўзбек кинорежиссёри Малик Қаюмов, фазогир Владимир Жонибеков, Халқаро расомлар конфедерациясини ижроия қўмитаси раиси Масут Фаткуллин, танкили археолог олим Эдвард Ртвеладзе, опера хонандаси Елена Образцова, Россия Федерациясининг телерадиоэтиштиришлар миллий уюшмаси президенти Эдвард Сагаляев каби танқидли арбоблардан иборат.

Жамғарма ўзининг тарғибот ва ташвиқот, маданий-маърифий фаолиятини турли тадбирлар, хусусан, кўргазмалар, концертлар, кино, театр, мусиқа фестивалари, халқаро конферен-

ция ва симпозиумлар орқали амалга оширмоқда. Жумладан, Москва шаҳрида шу йил бошида Ватанимизнинг моҳир мусаввирлари асарларидан иборат кўргазма ташкил этилди. Истиқлол йилларида эришган ютуқларимизни, миллий анъаналаримизни ўзида мурасам этган кинофестивалда эса москваллик санъат илхосмандлари эътиборига сунгги йилларда "Ўзбекино" Миллий агентлиги томонидан яратилган энг яхши фильмлар тақдим этилди.

Халқлар ўртасида тинчлик, тотувлик, ўзаро ҳамжihatлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда мусиқанинг ўзига хос ўрни бор. Шу сабаб жамғарма турли концертлар, мусиқий кечалар ташкил этишга алоқадор эътибор қаратмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида Ўзбекистон халқ артистлари Мус-

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Истеъмолчи



Оби-хаётсиз ҳаёт

Мақолани тахририятга келган хат билан бошласак. Уни пойтахт вилояти, Тошкент тумани, «Тўлабий» ширкат ҳўжалиги «Қўш кўнди» маҳалласи аҳолиси йўллаган.

«Биз силарга ўтган йилнинг октябр ойида биринчи бор мурожаат қилганимиздан сўнг ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари тўрт соат — ўн бирдан ўн бешга қадар сув бериб туришди.

(Сув таъминоти бўйича фуқаролик қисми) томонидан сув билан таъминланган. У пайтлар сув узатиш станциясида уч-тўртта насос бор эди.

Бундан ташқари, насос бузилиши ёки бошқа сабаблар туфайли ҳафтада бир-икки марта таъминот сув умуман бўлмади қолади. Ана энди, ёзнинг жазирасида кунлар суғириш қилиниши ўзининг бир тасаввур қилиб кўринибди.

Одамларнинг ўзлари илтимос қилишганмиш...

Янгийул пойтахт вилоятидаги санаяти ривожланган шаҳарлардан бири. Сўнгги йилларда бу ерда талай бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Нима, шаҳардаги иссиқ сув тизими ишдан чиққанмиши? Йўқ, иссиқ сув тизими жойида. Шунинг учун, қарздорлар кўпайиб кетган.

Қарзларини ундириб ололмаган «Иссиқлик манбаи» ташкилоти масаланинг осонгина ечимини топди.

Шунда иш кўнгилдагидек кетадими, тизим ишлай бошлайди. — Пенсиядорлар хизмат ҳақини доимо ўз вақтида тўлаб беришга ҳаракат қилади...

УЙ-ЖОЙ ҲўЖАЛИГИДАГИ ҚўСУРЛАР

Тавба! Ким ҳам ўзига яратилган имкониятдан воз кечишни истайди? Наҳотки, одамлар водопроводи қувуридан ҳар кун иссиқ сув келиб туришидан ўз хоҳиши билан воз кечса?

Янгийулда жорий йилнинг биринчи августига қадар аҳоли «Иссиқлик манбаи»дан 194 миллион 333 минг сўм, «Янгийулгаз»дан 191 миллион 191 минг сўм, «Сув-оқова»дан 6 миллион 430 минг, электр тармоқлари идорасидан 87 миллион 903 минг сўм, техник хизмат кўрсатиш идорасидан 101 миллион 432 минг сўм қарздор.

дир бу борада оқсаш бор. Масалан, бизда ширкат хизмат ҳақи унчалик кўп эмас. Аммо шунга қарамай Б. Маъруфалиев деган фуқаро 56 минг сўм қарз. Ваҳоланки, унинг хусусий дўкони ҳам бор.

Нега бугун коммунал хизматда оқсаш бор? Бунга ким айбдор? Аҳолими ёки коммунал хизмат ходимларини?

ҳар бир киши учун 1163 сўм қилиб белгиланган. Албатта, бунча пулни тўлаш айрим оилаларга қийинчилик туғдириши мумкин.

бу қарзларни қандай ундириш мумкин? Аввало, хизмат кўрсатиш савиясини кўтариш орали. Айтилганича, иссиқ сув тўрт-беш ойлаб ўчириб қўйилгандан сўнг, кимнинг пули тўлганиса келадими.

Х. Курбоновнинг изоҳлашича, газ ҳисоблагичлар кредитга беришгани аниқ мудабо бўлди. Бошқа соҳаларда ҳам шу тақридан иссиқ сувни босмаҳона қозон-хонасидан олган.

Ушбу иссиқ кунларда эса уйга совуқ сув тортиб берувчи насослар «хордик» чиқармоқда. Йўлаклар нураб, сув-воқлари тўкилиб кетган.

TRANSAERO АВИАКОМПАНИЯСИ БИЗНЕС ВА ДАМ ОЛИШ УЧУН АВИАКОМПАНИЯ МОСКВА

БУЮК БРИТАНИЯ Лондон, Эдинбург, Манчестер — янги тарифлар. ГЕРМАНИЯ ВА ФРАНЦИЯ 5 фоиз чегирма, талабалар учун йиллик тариф.

Янги технологиялар кўрғазмаси Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» да «Телекоммуникация ва ахборот технологиялари -2004» бешинчи халқаро кўрғазмаси очилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридики Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясига Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани ҳокими томонидан 2004 йил 3 ноябрда реестр сони — 04-00510 соғли рўйхати олиш тўғрисидаги давлат инспекцияси «ДАЛОЛАТНОМАСИ» йўқоқчилиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Katris ФИРМАСИ МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАВУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ Тахрир хайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Догай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Хайдаров, Ҳ. Хошимов.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олининг. Бюроми Ф-86/ 22129 нуқсадда боғланади.

«Parranda-Invest» МЧЖ жамоаси бош директор Ҳуснитдин Усмановга уқаси Ҳасан УСМАНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. Сағдо ва тижоратга қўмаклашувчи «Сағдогар» акциядорлик тижорат банки бошқаруви банкнинг Қашқадарё вилоят Китоб бўлими бошқарувчиси Ш. Халимовга падали бузруквори Шўҳрат ота ҲАЛИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



«Реал»га янги мураббий Мадриднинг «Реал» клуби президенти Флорентино Перес жамоа бош мураббийи Хосе Антонио Камачо истеъфоси қабул қилинганини билдириди.

Ийқилган курашга тўймас... Бокс бўйича ўша егир вазнда соёқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон шу йилнинг декабрда яна рингга чиқмоқчи эканини билдириди.

Автопойгачи-нинг янги шартномаси «Формула — 1» автопойгалири бўйича 1997 йили жаҳон чемпиони бўлган Жак Вильнев «Sauber Petronas» жамоаси таркибида мусобақаларда қатнашадиган бўлади.

33 ёшли канадалик бири ҳар бир хонадонга газ ва сув учун ўлчовчилар ўрнатилди. Бу борада аниқ маддатлари кўрсатилган ҳуқумат қарори чиққан. Лекин бу ишга панжа орасидан қараш ҳамон давом этмоқда.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири. Вильневга автопойгачларда бразилиялик Фелипе Масса шериклик қилади.